



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС БАТАН!

Президентимиз қарорига мувофиқ ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг иккинчи босқичи ҳам ниҳоясига етиб қолди. Яқинда маз-

кур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбир вилоят ҳокимлиги, маънавият-тарбия маркази, маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилди.



Унда 16 та туман ва шаҳарлардан келган 29 иштирокичи ўзаро беллашди. Қатнашчиларнинг чиқишлари Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева раислигидаги шоира Шарифа Салимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Анвар Ганиев, Аҳмаджон Дадаев, Абдусалом Муталов, шоир Темури Убайдуллодан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Ватан ҳақида яратилган энг теран, мукаммал кўшиқни

танлаб олиш ҳам осон кечмади. Ниҳоят, кўшиқлари диққат билан тинглаб, хонанда, бастакор ва матн муаллифининг маҳоратини, улар орасидаги уйғунлиқнинг нозик қирраларини илғаб олишга интилган ҳакамлар ҳайъати қарори эълон қилинди. Унга кўра 1-ўрин ҳамда вилоят ҳокимининг 3 миллион сўм пул мукофоти "Ягонасан" кўшиғи учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримовга (А. Ори-

пов сўзи, Анор Назаров мусиқаси), 2-ўрин ҳамда 2,5 миллион сўм пул мукофоти Маҳмуд Тоир сўзи, Анор Назаров мусиқаси билан яратилган "Шу Ватан бағрида бирдам бўлайлик" кўшиғини ижро этган парктентлик Феруза Маҳмудова берилди. 3-ўрин ҳамда 1,5 миллион сўм пул мукофоти Ашуррали Боймуродов сўзи, Шавкат Бекбоев мусиқаси билан "Ўзбекистон" кўшиғини ижро этган Алимжон Мирзаевга насиб этди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ХАЛОСКОРИНГ ҚУВНОҚ БЎЛСА...

Бўстонлик туманидаги "Чимён" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Қувноқ қутқарувчи" дея номланган тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбир мавсум давомида оромгоҳларда содир бўлиши мумкин бўлган фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, бундай вазиятларда болаларни тўғри ва оқилона ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида Тошкент вилояти фавкулдда вазиятлар бошқар-

маси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбир давомида ўсмир ёшлар табиий ва техноген хусусиятли фавкулдда вазиятлар ҳавфи юзага келганда тўғри ҳаракатланиш бўйича аввал назарий сўнгра амалий машғулотларда ўз куч ва билимларини синая қўришди.

«Туркистон-пресс».



ЧИЛЛАНИНГ ҲАР КУНИ МЎЪЖИЗА

Ёз чилласида пахтакорнинг иши қизигандан қизийди. Негаки, июль-август ойлари ғўза парвариши ва рисоладагидек ривожланишида ғўза муҳим, масъулиятли дамлар ҳисобланиб, бу паллада ўтказилган ҳар бир агротехник тадбир мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлайди.

Куйичирик туманидаги Шарифа Жумаделова бошчилик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари бунга яхши тушунилади. Шу сабабли ҳам айни вақтда 73,5 гектар майдонда пахта етиштириётган деҳқонлар эртаю кеч экин қошида парвона бўлмоқдалар. Ҳозир фермернинг ғўза-

лари текис гуллаган. Олди поялар шигил кўсак тўплапти. Деҳқонлар ҳосил нишонларига чанг-солувчи турли зараркундаларга,

хавфли касалликларга қарши энг самарали усуллар ёрдамида курашмоқдалар. Яқунланган ғалла мавсумида қўтилганидан ҳам ортиқ муваффақиятга эришган хўжалик аъзоларининг эндиги асосий мақсади ана шу ютуқни пахтачиликда ҳам тасдиқлаш. Бизнингча, бунга барча асослар бор.

СУРАТДА: хўжаликка хизмат кўрсатувчи "Тошовул" муқобил машина-трактор парки раҳбари Шерали Эрматов ҳамда фермер Шарифа Жумаделова навбатдаги ишловдан олдин ғўзалар ҳолатини ўрганимоқдалар. Даврон АХМАД олган сурат.

ЗАНГИОТАЛИК КАСАНАЧИЛАР

Мамлакатимиз раҳбари Имом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик sanoat korxonalarini bilan kasanachilikni rivojlantirish asosidagi ishlab chiqarish va xizmatlar urtasida kooperatsiyani kengaytirishni rag'batlantirish chora-tadbirlari tuzgusida" gi Farmoni bанд бўлмаган аҳолини касаначилик асосида уй меҳнатига жалб этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Зангиота тумани бандликка қўмаклашувчи марказ директори Т. Жўрабоевнинг айтишича, жорий йилнинг ўрта даврида туманда янги ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш, мавжуд корхоналар қувватини ошириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, касаначиликни кенгайтириш ҳисобига уч юздан ортиқ янги иш ўрни яратилган.

Янги иш ўринларининг асосий қисми туманининг аҳоли кўп истикомат қиладиган "Бўзсув", "Эшонгузар", "Назарбек", "Қатортол" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудига тўғри келади.

Утган даврда паррандачиликка ихтисослашган "Ўзбекистон" акциядорлик жамияти, "Milk-Agro" каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарида юздан ортиқ киши касаначилик асосида иш билан таъминланди. УЗА.

2009 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг индекс - 205.

ЧОРВАЧИЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори ижроси юзасидан жойларда кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қарорда хўжаликларни зотдор ва сермахсул чорва моллари, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатишга алоҳида эътибор қaratилган. Бу эса жойлардаги давлат ветеринария бошқармалари ва бўликлари зиммасига масъулиятли вазибалар юклайди.

Ҳозир вилоятимизда 172 зооветеринария хизма-

ти кўрсатиш шохобчаси фаолият юритмоқда, дейди Тошкент вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Малика Сатторовва. – Утган йили саккизта зооветеринария шохобчаси фойдаланишга топширилди. Вилоят фермер хўжалиқларида икки минг бошга яқин зотдор қорамол келтирилди.

Жумладан, оқсил касаллиги бўйича эпизоотик вазиятнинг барқарорлиги-

Фарзандларимиз бугун глобал тараққиёт асрида яшамоларди. Ривожланган телевидение, компьютер, интернет, замонавий технологиялар уларнинг ҳаётига шиддат билан кириб келаяптир. Хар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани каби, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Болалар ўз дунёси, ўз олами билан яшайди. Уларнинг дунёқарашини, фикрини ижобий ёки салбий томонга ўзгариштириб юбориши қийин эмас. Демак, мультфильм ва турли компьютерлаштирилган ўйин, эртаклар ҳам уларнинг онгига турлилик таъсир кўрсатиши табиий.

Бугун фарзандларимиз хорижнинг жангари руҳдаги, ёвузлик ва қабоҳат тасвирланган мультфильмларини кўпроқ томоша қиладигани, компьютер клубларидан узоқ кетолмай қолаётгани сир эмас. Бундай масканлар уларга ўз билим ва кўникмаларини янада

бойитиш, интернет тармоғи орқали дунё янгиликларидан бохабар бўлиш имкониятини яратаятгани қувончли, албатта. Аммо ақсарият ёшлар фақат ўйин ўйнаб, вақтини беҳуда сарфлаб, соатлаб компьютер олдида ўтиришга одатланаётгани ачинарли. Пойтахтимиздаги бир неча интернет клубларни кузатдик. Бу масканлар ёшлар билан гавжумлиги, айниқса, мактаб ёшдаги болалар берилиб ана шундай ўйинлар ўйнаётганига гувоҳ бўлдик. Ушбу клубларда мижозлар учун нархлар кўйилганча белгиланган. Эрталаб соат 7.00 дан тунги 11.00 гача ўйин ўйнаш соатига 500-600, интернетдан фойдаланиш эса соатига 800-1000 сўм. Тунги 11.00 дан то тонггача нархларнинг тўрт, беш баробар арзонлаштирилгани ёшларнинг туни билан компьютер олдида ўтириш рағбатлантиради. Ачинарлики шундаки, тунги мижозларни ҳеч қим назорат қилмайди. Бу эса ёшлар учун маънавиятимизга ёт фильм ва ўйинларни кўриш имконини беради. Арзимасдек туюлган бу каби ҳолатларга эътибор бермаслик келажакда тузатиш мушкул муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Болалар берилиб томоша қиладиган ёвузлик, ахлоқсизлик, жангари руҳдаги фильм ва ўйинлар аввало уларнинг маънавий олами, тарбияси, юриш-туриши, кийинишида аста-секин ўзининг салбий оқибатларини намойиш қила бошлайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон онгида маънавий бўшлиқнинг пайдо бўлиши, ўз мустақил фикрига, соғлом дунёқарашига мустахкам иродага эга эмаслиги оқибатида унинг турли мафкуравий таъдидлар, гийёҳандлик, қашандалик, ахлоқсизлик сингари зарарли иллатлар таъсирига тушиб қолишига олиб келади.

Давоми 4-бетда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«САККИЗ ЙИЛ АВВАЛГИ ВАЪДАЛАР ҚАНИ?»

Газетамизнинг шу йил 15 июль сонида юқоридаги сарлавҳа ostida танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда парктентлик Зухринисо Фазлиддинованинг илгари туманда пиллаҳона деб юритилган бино ва иншоотларни тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш шарти билан сотиб олгани, эндиликда мазкур иншоот биналари фуқароларга сотиб юборилаётгани ҳақида сўз борганди.

Мазкур танқидий мақола юзасидан Парктент тумани ҳокими А. Сулаймонов имзои билан жавоб хати олди. Унда жумладан, шундай дейилади: "Ушбу манзилда фуқаро 3. Фазлиддинова 2002 йилдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган. Жумладан, 2002-2003 йилларда тегиримон юргизиб, аҳолига хизмат кўрсатган. 2003-2005 йилларда эса лак-бўёқлар учун қизил пигмент қуқунни ишлаб чиқа-

Қолган 0,8 га очик ер майдонда боғ ташкил қилган. Бундан ташқари 216 кв.м.га тенг бўлган ёрдамчи бинода паррандачиликни йўлга қўйиш учун 2880 бош товуққа мўлжалланган товухона қуриш ишларини бошлаб юборган. Ҳозирда ушбу жойни таъмирлаш учун 11 миллион сўмлик иш бажарган. Паррандачилик хўжалигини шу йилнинг 1 сентябрга қадар ишга тушириш мўлжалланган.

3. Фазлиддинованинг розилиги билан унга тегишли 0,25 га ер майдонни туман ҳокимияти 2005 йил 10 апрелдаги 117-сонли қарори билан "Қўқаймақ" маҳалла фуқаролар йиғинида болалар ўйингоҳи ташкил этиш

учун ажратиб берилган. Мақолада тилга олинган маълумотлар маҳалла фуқароларининг муножаатига асосан туман ҳокимлиги ва прокуратураси томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган ва унда 3. Фазлиддинова томонидан қонунбузилиш ҳолатлари содир этилмагани аниқланган. Шикоят орқали муножаат этган фуқароларга ҳақиқий вазият атрофлича тушунириб берилди.

Туман ҳокимидан келган жавоб хати кишида таскин ва умид уйғотди. Чиндан ҳам барчаси ўз ўрнига тушиб, бу ерда паррандачилик фермаси ҳам, болалар ўйингоҳи ҳам ташкил этилар. Энди буёғини вақт кўрсатади.

Юлдузхон
ФАЗЛИДДИНОВА.
СУРАТДА: танлов иштирокчилари ижод қилмоқдалар. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

№	Ф.И.О	Эски намунадаги лицензия рақами ва берилган санаси
150	Жўракулов Нормат Абдухалилович	ВН 000198, 28.05.2004 й.
151	Мураткулов Дхасуржон Хатамович	TS 000631, 25.03.2008 й.
152	Еркуллов Хасан Болтаевич	TS 000449, 17.08.2004 й.
153	Маликова Гузълхон Нуриддиновна	TS 000140, 10.06.1997 й.
154	Мадаминов Нематилло Турғунбоевич	TS 000551, 14.12.2006 й.
155	Бойзаков Хамракул Турсункулович	TS 000393, 05.12.2002 й.
156	Эргашева Манзура Ободовна	TS 000172, 16.06.1997 й.
157	Буриев Рустой Тулаевич	TS 000301, 05.06.2000 й.
158	Рахимджанова Шахноза Махмуджановна	TS 000601, 25.12.2007 й.
159	Исламбеков Давронбек Махмудбекович	TS 000209, 15.06.1998 й.
160	Бабаев Махкамжон Қодиревич	TS 000498, 14.07.2005 й.
161	Хасанов Рахматулла Исматович	TS 000180, 03.08.2001 й.
162	Нурматова Муҳаббат Исабаевна	TS 000059, 27.05.1997 й.
163	Халтаев Унгар	TS 000084, 02.06.1997 й.
164	Қуттибоев Матқиддин Сайриддинович	TS 000438, 07.06.2004 й.
165	Сайфуллаев Баҳодир Асатилаевич	TS 000508, 14.10.2005 й.
166	Гадаева Зарина Бахритдиновна	TS 000549, 14.12.2006 й.
167	Ералиев Исраил Баҳоводинович	TS 000616, 25.03.2008 й.
168	Рискулов Марат Уразбаевич	TS 000577, 18.07.2007 й.
169	Меҳмонов Қамбарқиддин Мираҳмамович	TS 000537, 25.08.2006 й.
170	Ким Черита Алексеевна	TS 000595, 16.10.2007 й.
171	Отстаєнова Наталья Петровна	TS 000189, 12.08.1997 й.
172	Маткаримов Исламбек Қимсанович	TS 000148, 20.06.1997 й.
173	Ҳолиматова Муҳаббат Баҳрамовна	TS 000041, 26.05.1997 й.
174	Ганиева Ойииса Алиматова	TS 000404, 05.12.2002 й.
175	Таран Евгений Глебович	TS 000070, 27.05.1997 й.
176	Ҳолтурсунова Мукаддас Сатвалдиевна	TS 000116, 05.06.1997 й.
177	Эшқужаева Гулшода Турақужаевна	TS 000583, 18.07.2007 й.
178	Саидхонжаев Фуқрат Тешабаевич	TS 000155, 12.06.1997 й.
179	Давтян Мардин Мишаевич	TS 000257, 12.03.1999 й.
180	Хасанов Бахтиёр Азамович	TS 000485, 14.07.2005 й.
181	Саидалихужаева Мухаббат Саидкаримовна	TS 000365, 12.12.2001 й.
182	Зияева Нигора Фаизуллоевна	TS 000653, 08.09.2008 й.
183	Эшқобилова Моҳира Нурмуратовна	TS 000523, 30.12.2005 й.
184	Салиев Бахтиёр Тулкинович	TS 000608, 25.12.2007 й.
185	Абдуллаев Умид Рахматулла ўғли	TS 000617, 25.03.2008 й.
186	Шеров Ҳабибулла Нарзуллаевич	TS 000511, 14.10.2005 й.
187	Ҳайтметов Қобилжон Жўрабоевич	TS 000661, 08.09.2008 й.
188	Сайдахмедов Музафар Садырович	TS 000433, 05.03.2004 й.
189	Каримов Нодирджан Насирханович	TS 000599, 16.10.2007 й.
190	Абдуллаев Эгамберди Очилович	TS 000687, 24.12.2008 й.
191	Норов Шамурат	TS 000157, 12.06.1997 й.
192	Қадырова Зухра Абдувахобовна	TS 000141, 10.06.1997 й.
193	Абдиев Туракул Нурмуродович	TS 000325, 05.09.2000 й.
194	Қайимов Момбек Боранбаевич	TS 000353, 05.09.2001 й.
195	Туралов Равшанбек Муратович	TS 000563, 20.04.2007 й.
196	Соловьева Надежда Николаевна	TS 000063, 27.05.1997 й.
197	Ханитбаев Мурадўлла Махаматжонович	TS 000389, 05.09.2002 й.
198	Джуманов Рустам	TS 000315, 28.06.2000 й.
199	Джўраева Гулҳеҳра Абдувалиевна	TS 000451, 17.08.2004 й.
200	Аскарлов Асан Фаизуллаевич	TS 000146, 10.06.1997 й.
201	Шамшиев Ағзам Абдуғалипович	TS 000681, 05.11.2008 й.
202	Ҳолидинов Шўқосўб Ибрағимович	TS 000310, 26.06.2000 й.
203	Ахроров Бобир Асроркулович	TS 000613, 25.12.2007 й.
204	Шерханова Мамура Джўраевна	TS 000297, 06.03.2000 й.
205	Шаджалилов Аскаралӣ Салимович	TS 000691, 24.12.2008 й.
206	Абдувахобов Абдуғани Олимжонович	SU 000075, 23.02.1998 й.
207	Аббосов Зафар Равшанович	TS 000570, 20.04.2007 й.
208	Мусурманкулов Жўмабай Раҳматович	TS 000580, 18.07.2007 й.
209	Алиева Зулфия Сулаймановна	TS 000068, 27.05.1997 й.
210	Мамбетова Зумрад Дурдибаевна	TS 000202, 26.05.1997 й.
211	Қурбанбаев Хасан Нурметович	TS 000081, 02.06.1997 й.
212	Алимуқов Халиқназар Фахриевич	TS 000182, 16.06.1997 й.
213	Пўлатова Шахноза Тахировна	TN 000993, 10.03.1999 й.
214	Назиркулов Иномжон Қаримкулович	TS 000437, 07.06.2004 й.
215	Кулимурадов Ашраф Жўрамурадвич	TS 000492, 14.07.2005 й.
216	Олимов Шерзод Турдалиевич	TS 000562, 20.04.2007 й.
217	Қиёмова Химмат Зияевна	TS 000240, 30.09.1990 й.
218	Базаров Фуқрат Адилжонович	TS 000530, 14.04.2006 й.
219	Эралиев Шавкат Шарипович	TS 000524, 30.12.2005 й.
220	Қомолов Бахтиёр Набижонович	TS 000640, 12.06.2008 й.
221	Турсунов Дав	

